

Қозон гўштга муҳтож

05:00 / 11.03.2017 4223

Бир гуруҳ кишилар овқат пишираётган одамнинг ёнидан ўтаётиб, тўхтадилар. Улардан бири қозондан бир бўлак гўштни олиб еб кўрди ва “Қозон сиркага муҳтож” деди. Иккинчиси ҳам қозондан бир бўлак гўштни олиб еди-да, “Қозон мурчга муҳтож” деди. Учинчи одам ҳам қозондан бир парча гўштни олди ва еб кўргач, “Қозон тузга муҳтож” деди. Шунда ошпазнинг ўзи қозондаги охирги гўшт бўлагини олиб еди-да, “Қозон гўштга муҳтож” деди.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси